



ЯНГИЛАНАЁТГАН ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХАЛҚ НИГОҲИДА

Сафаров Сухроб Саманкулович
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
1-ўқув курси отряд командири

Аннотатсия: Мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида амалган оширилган ислохотлар. Академиянинг илмий салоҳияти курсантларга яратилган шарт-шароитлар, таълим тарбия бериш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилган.

АКАДЕМИЯ ОБНОВЛЕНИЯ МВД В ГЛАЗАХ НАРОДА

Аннотатсия: В статье реформы, проводимые сегодня в Академии МВД Республики Узбекистан. Научный потенциал Академии дается подробная информация об условиях, созданных для курсантов, процессах обучения.

THE RENEWAL ACADEMY OF THE MINISTRY OF INTERIOR AFFAIRS IN THE VIEW OF THE PEOPLE

Abstract: In the article, the reforms implemented today in the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. The scientific potential of the Academy is given detailed information about the conditions created for the cadets, the processes of education.

Калит сўзлар: Ички ишлар Вазирлиги, Академия, таълим, метод, ислохотлар концепсияси, таълим ва тарбия усуллари, матаҳассислик, касбий тайёргарлик.

Ключевые слова: МВД, академия, образование, методика, концепция реформ, методика воспитания и обучения, специализация, профессиональная подготовка.

Key words: Ministry of Internal Affairs, Academy, education, method, concept of reforms, methods of education and training, specialization, professional training.

Юртимизда 80 га яқин Олий-таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг ичида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўзининг билим салоҳияти ва ўрнатилган тартиби билан алоҳида нуфузга эга еканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу муассасада курсантларга дунёвий-сёсий билимлар, тарбиявий ишлар, ҳуқуқий фанлар ўргатилиши билан биргаликда, улар доимий равишда жисмоний ва жангавор савияларини ошириб борадилар. Ҳозирги кунда ИИБ Академиясида ўқув жараёнларида энг замонавий метод ва технологиялардан фойдаланилмоқда. Курсантларнинг белгиланган кун тартибларида уларнинг дам олишлари, овқатланишлари, ўқув жараёнлари, китоб мутолаа қилишлари ахборот

олишлари, жисмоний тайёргарликлари билан биргаликда ўз устиларида мустақил шуғулланишлари учун шахсий вақтлар ҳам белгиланган. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини шу даргоҳда ўқишини хоҳлайдилар. Академиянинг кундузги таълим бакалавриятига Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари ҳамда профилактика инспекторларининг ёрдамчилари қабул қилинади. Ўқишга қабул қилиш ички ишлар вазирининг ўринбосари раислигида ташкил этиладиган махсус касбий танлов ва очиклик мезонлари асосида яқка тартибдаги суҳбат орқали амалга оширилади. Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг ҳуқуқшунослик фани бўйича идоровий фан олимпиадаси ғолиби бўлган битирувчилари Академияга фақат махсус касбий танлов орқали ўқишга қабул қилиниши белгиланган (ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон тарихи ва тарбия фанларидан бўладиган яқка тартибдаги якуний суҳбатдан озод этилади).

Кундузги таълим шаклига қабул қилинган ўғил-қизларга курсант мақоми берилиб, улар биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанлар, жанговар ҳамда жисмоний чиниқиш кўникмаларини мукамал эгаллашга йўналтирилади. Кундузги таълимда қуйидаги ихтисосликлар бўйича таълим берилади:

- тергов фаолияти;
- тезкор-қидирув фаолияти;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти;
- эксперт-криминалистика фаолияти;
- жиноий жазоларни ижро этиш;
- хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш;
- ташкилий-штаб фаолияти.

Академиянинг кундузги таълим бакалавриятида ўқиш муддати 3 (уч) йил бўлиб, битирувчиларга олий маълумот (“юрист” малакаси) ҳамда “лейтенант” (ёки “катта лейтенант”) махсус унвони берилади.

Фарзандлари ИИВ Академиясида таҳсил олаётган ота-оналар эса фарзандлари билан фахрланиб юрадилар. Хўш, бу муассасанинг бошқа муассасалардан устунлиги нимада? Нега ҳар йилги ўқишга қабул жарайонда бошқа олий таълим муассасаларидан бу олий таълим муассасасида рақобат кучли бўлади? Мен буни шундай изоҳлаган бўлардим:

Барча олий таълим муассасаси ҳам диплом бера олади. Лекин улар ходимни иш билан таъминлаб беришни ўз зиммасига олмаган. ИИВ Академияси эса 3 йил давомида таййорлаган кадрларини иш билан тўлиқ таъминлайди. Боқа Олий таълим муассасалари сутудентларига тўплаган кириш балларига қараб стпендия беради ёки сутудентлар ўқиши учун тўлов контрактини тўлашни талаб қилади. ИИВ Академиясида эса барча курсантлар давлат томонидан степендия билан таъминланади. Степендиянинг миқдори эса курсантларнинг ўқув фанларини ўзлаштириш даражаларига қараб белгиланади. Кўп олий таълим муассасалари ўз ётоқхонасига эга эмас. Ётоқхонасига эгалари ҳам барча таҳсил олаётган талабалрни тўлиқ қамраб ололмайди. Бу эса узоқ туман-қишлоқлардан ёки бошқа вилоятлардан

келиб таълим олувчи талабаларга кўшимча қинчиликни вужудга келтиради. ИИБ Академияси ўз курсантларини тўлиқ, ҳеч қандай тўловларсиз, замон талабларига жавоб берадиган турар жой билан таъминлайди. Улар давлат томонидан қишки ва ёзги уст-бош, хизмат кийимлари билан таъминланадилар. Бухоро шароитлар эса ота-оналарни ҳам уларнинг фарзандларини ҳам ИИБ Академиясига қизиқишларини ортирриши табиий хол... Бундан ташқари курсантлар 3 маҳал давлат томонидан иссиқ овқат билан таъминланади. Ростан тан олиб айтиш керакки, кўпчилик курсантлар уйларида йўқ шароитлар, озиқ-овқатлар ИИБ Академиясида давлат томонидан текинга таъминламоқда. Бу шароитларни яратиш давлатдан мумайгина маблағни талаб қилади. Албатта, ҳозирги кунгача курсантлар Бу харажатларни ўз фаолиятлари, ютуқлари билан оқлаб келмоқдалар.

ИИБ Академияда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, курсантлар олган билимларини Тошкент шаҳри ҳудудида ташкил этилаётган базавий амалиёт машғулотлари орқали билим ва тажрибаларини мустаҳкамлаб бормоқталар. Бу ислохотдан кўзланган асосий мақсад эса курсантларни назария билан чекланиб қолмасдан, амалиётда олган билимларини қўллаш кўникмасини шакиллантиришдан иборат. Эртага курсантлар ИИБ Академиясини битириб, иш билан таъминланганларидан сўнг шу амалиётларда кўрган ҳолатларини ҳал қилишда шошиб қолмасдан, ўрганган билим ва кўрган амалиётлари орқали ҳал қила оладилар.

ИИБ Академиясида барча вилоятлардан курсантлар таҳсил олаётганлари барчага бирдек маълум. Улар бу муассасани томонлаб ҳам ўз вилоятларида хизмат фаолиятларини олиб борадилар. Уларнинг ўз вилоятларида қандай жиноят ва ҳқукбузарликлар кўпроқ содир этилётганлиги ва умуман олганда уларнинг ҳудудларида вазият қандай эканлиги ҳақида, жиноятчиликка қарши курашишда қандай усуллардан фойдаланаётганликлари ҳақида ҳар ойда курсантлар ва вилоят ИИБ бошлиқлари ўртасида “Мастер класс” машғулотлари ташкил этиб келинмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ИИБ Академияси янгиланиш ва ислохотлар ичида экан, доимо халқ диққат эътибори марказида бўлиб қолаверади!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конститутсияси
2. “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриятининг кундузги таълим шаклига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида” ВМ 958-сон низом
3. “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ 5076 президент қарори